

ЖАРҚҮРГОН ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКСИЯСИ БОШЛИҒИ АЛМАРДАНОВ АНВАР УРАЛОВИЧНИНГ МАЙ ОЙИ ЯКУНИ БҮЙИЧА ҲИСОБОТИ



Иқтисодий барқарорликка эришишда хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик ривожи йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш устувор вазифалардан саналади. Айни шу мақсадда юртимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва эркин фаолият юритишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат солиқ хизмати органлари “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида фаолият юритмоқда.

Хусусан жорий йилнинг май ойида туманимизда фаолият юритаётган 26 нафар тадбиркорлик субектининг 31 та муаммолари ўрганилиб, имтиёзли кредит олиш, дастлабки бухгалтериясини юритиш, ҳисботларни тўлдириш ва топшириш каби 20 дан ортиқ масалалар бевосита солиқ органлари ходимлари кўмагида ҳал этилди.

Бундан ташқари, фаолиятини тўхтатган 9 нафар тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилиб, фаолиятларини қайта тиклашга эришилди.

Тадбиркорлар учун тенг рақобат муҳитини яратиш, ноқонуний тарзда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишнинг олдини олиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидаги назорат тадбирлари ўtkазилиб, 7 нафар фуқаролар ҳеч қандай ҳужжатларсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги аниқланди. Мазкур фуқаролар ўrtасида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида улардан 6 нафари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний тартибда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдилар.

Хўжалик юритувчи субектлар билан ўтказилган бевосита мулоқотлар ва кенг кўламли тушунтириш ишлари пировардида 74 та корхонадаги 123 нафар

норасмий ишловчи фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилди.

Жорий йилнинг май ойи давомида “Солик ҳамкор” дастури орқали Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субектлари билан боғлиқ солик ҳуқуқбузарликлари тўғрисида жами 163 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатларга асосан 94 та сайёр солик текширувлари ўтказилди ва ўз тасдиғини топмаган 14 та мурожаатни кўриб чиқиш рад этилди.

Энг муҳими, солик тўловчиларга солик тўғрисидаги қонун хужжатларини ижро этишида ёрдам бериш ҳамда “Соликчи – қўмакчи” тамоили асосида чора қўллашдан олдин бартараф этишга имконият яратиш талабидан келиб чиқиб, жорий йил 1-июндан бошлаб, “Солик ҳамкор” орқали мурожаат йўллаш ва мурожаатга асосан солик ҳуқуқбузарликларини содир этган тадбиркорлик субектига нисбатан чора кўриш тартибига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан мулкчилик шаклидан қатъий назар, биринчи маротаба келиб тушган мурожаат бўйича солик тўловчи ҳузурига борган ҳолда, профилактик сухбат ўтказилиб, тадбиркорлик субектининг қонун талабларида иш юритиши тўғрисида расман огоҳлантирилиб, унга нисбатан молиявий жазо чоралари кўрилмайдиган бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, барча тадбиркорлик субектлари юртимизда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган кенг имкониятлар ва енгилликлардан унумли фойдаланишлари ва бунга жавобан, ҳалолликни мезон қилиб, қонуний тартибда фаолият юритишли лозим.

Зоро, солик хизмати – инсофли солик тўловчиларнинг ишончли ҳамкори!

Жарқўрғон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.